

Кредитнинг тўлиқ қиймати  
миқдори «Times New Roman» 14  
ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган,  
рақам ва сўзлар билан ёзилади

**Бюджет ташкилоти ходимлари ҳамда иш ҳақи лойиҳаси дастури доирасидаги  
шахслар учун Микроқарз ажратиш тўғрисида шартнома**

**№** \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ шахри

202\_ йил \_\_\_\_\_.

“Гарант банк” акциядорлик жамиятининг \_\_\_\_\_ Амалиёт бошқармаси/банк  
хизматлари офиси (кейинги ўринларда – Банк) номидан Низом ҳамда 202\_ йил \_\_\_\_\_  
даги \_\_\_\_\_ -сонли ишончнома асосида харакат қилувчи Банк бошқарувчиси  
\_\_\_\_\_ бир томондан ва \_\_\_\_\_ да доимий (вақтингчалик) яшаш  
жойи бўйича рўйхатга олинган, \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) (паспорт \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ 202\_ йилда берилган) (кейинги  
ўринларда – Қарз оловчи) иккинчи томондан, ушбу шартномани қуидагилар ҳақида  
туздилар.

**1. Шартнома предмети**

1.1. Банк Қарз оловчига Банк кредит қўмитасининг “\_\_\_” “\_\_\_\_\_” 202\_ йилдаги  
“\_\_\_” - сонли қарорига асосан \_\_\_\_\_ () сўм миқдорида \_\_\_ ой  
муддатга микроқарз беради.

1.2. Микроқарз бўйича қарз қолдигига йиллик \_\_\_% ҳажмида фоизлар қўшилади.  
Муддати ўтган қарздорлик учун кредит фоизи ўрнатилган фоиз ставкасидан 1,5 баробари  
миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда  
ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, ойнинг 2-кунидан кечикмай тўлаб борилади.

**2. Асосий тушунчалар**

2.1. Мазкур Шартномада қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Қарз оловчи** – вояга етган, муомала лаёқатига ва доимий турар жойига эга, бюджет  
ташкилоти ходимлари ҳамда иш ҳақи лойиҳаси дастури доирасидаги жисмоний шахс;

**микроқарз** – жисмоний шахсларга нақд пулсиз шаклда “Гарант банк” АЖда мавжуд  
бўлган пластик картасига ўтказиш йўли билан ажратиладиган кредит;

**кредит берилган сана** – маблағларни ссуда ҳисоб рақамидан қарз оловчининг  
пластик картасига ўтказиш санаси;

**кредитни тўлаш санаси** – Қарз оловчининг Банк олдиаги мажбуриятларини тўлиқ  
бажаришига олиб келадиган кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг жами қолдигини ва  
қарз қолдигини қоплайдиган охирги тўлов тушган сана;

**кредит бўйича Қарз** – кредитнинг ҳаммаси ёхуд Қарз оловчи томонидан  
фойдаланилган кредитнинг қолдиги, тегишли ҳисоб рақамларида Қарз оловчига очилган  
ҳисоб ракамларидаги кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар.

### **3. Кредит ажратиши шартлари**

3.1. Микроқарз бўйича тўловлар аннуитет-тeng микдордаги ойлик тўловлар билан ёки асосий қарз тенг улушлар билан сўндириб борилади. Ушбу Шартноманинг иловаси ва ажралмас қисми бўлган Микроқарзни сўндириш графигига мувофиқ сўндириш даврийлиги ҳар ойнинг иккинчи санасида амалга (оига камида бир марта) оширилади.

Шартнома бўйича асосий қарз ва фоизларни бажариш санаси дам олиш кунига тўғри келса, тўлов ундан кейинги биринчи иш кунидаги амалга оширилади.

3.2. Қарз олевчидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ, Банкка микроқарзни сўндириш бўйича Қарз олевчининг барча банклардаги ҳар қандай ҳисобварақларидан ҳар қандай валютадаги пул маблағларини акцептсиз чиқариб олиш хукуқини беради.

3.3. Қарз олевчидан қабул қилинган маблағлар ёки Қарз олевчининг Банкдаги ҳар қандай ҳисобварақларидан мавжуд бўлган пул маблағлари ушбу Шартнома бўйича қарздорликни тўлаш учун қуийдаги тартиб ва кетма-кетлиқда йўналтирилади:

комиссиялар, жарималар, пенялар, муддати ўтган асосий қарздорликка ҳисобланган юқори фоизлар;

кредит фоизлари бўйича муддати ўтган тўловлар;

кредитнинг асосий қарзи бўйича муддати ўтган тўловлар;

кредит фоизлари бўйича муддатли тўловлар;

кредит асосий қарзи бўйича муддатли тўловлар.

Асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар тўланганлик санаси деб маблағларни кўрсатилган ҳисобварақларга келиб тушган кун ҳисобланади.

### **4. Томонларнинг хукуқлари ва мажбуриятлари**

#### **4.1. Банкнинг хукуқлари:**

4.1.1. Қарз олевчининг тўлов лаёқатини, микроқарз таъминоти етарлилигини назорат қилиш, Қарз олевчидан мажбуриятларни бажариш юзасидан керакли хужжатларни сўраб олиш.

4.1.2. Микроқарзни навбатдаги қисми ўз вақтида сўндирилмаган ҳолларда:

а) микроқарз (ёки унинг бир қисми) муддати ўтган тўловлар ҳисобварағига киритилган санадан бошлаб микроқарз учун ҳақни оширилган фоиз ставкаси бўйича, муддати ўтган қарз суммасидан йиллик \_\_\_% ҳажмида белгилаш;

б) Қарз олевчидан микроқарзни муддатидан олдин қайтариш ва фоизларни тўлаш юзасидан дарҳол чоралар кўришини талаб қилиш;

в) қонунчиликка мувофиқ, микроқарз бўйича қарзни сўндириш учун таъминотга қаратиш борасидаги ҳар қандай хукуқлардан фойдаланиш;

г) Қарз олевчи томонидан ушбу Шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бузилиши ва/ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, Қарз олевчи ва/ёки Кафилнинг молиявий аҳволи ёмонлашган ҳамда микроқарзни қайтарувчи ҳар қандай омиллар пайдо бўлганда, кредит шартномасини муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиш ва қарздорликни тўлиқ ундириш тўғрисида тегишли судга даъво аризаси киритиш;

д) ушбу шартномани белгиланган тартибда бекор қилиш.

4.1.3. Қарз олевчи ушбу Шартнома шартларини ҳар қандай бажараётганлигини текшириш.

#### **4.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:**

4.2.1. Ҳар ойда микроқарзни сўндириб бориш ва фоизларни тўлаш учун ишлатиладиган маблағларни Банқда маҳсус очилган депозит ҳисобварағига олдиндан, асосий қарз ва фоизлар бўйича навбатдаги тўлов муддати келгунича киритиб бориш.

4.2.2. Банк томонидан микроқарз шартномаси ўзгартирилиши кутиладиган ҳолларда бу ҳақда камида 5 кун олдин ахборот олиш.

4.2.3. Микроқарзни ўз маблағлари ҳисобидан муддатидан олдин сўндириш. Асосий қарзни сўндиришдан олдин Қарз олувчи шу санагача ҳисоблаб қўшилган фоизларни тўлаши керак.

#### **4.3. Банкнинг мажбуриятлари:**

4.3.1. Қарз олувчига \_\_\_\_\_ () сўм микдорида микроқарз бериш.

4.3.2. \_\_\_\_\_ микроқарз ҳисобварағи очиш.

4.3.3. Қарз олувчининг ёзма топшириғига асосан микроқарз қарз олувчининг банқда очилган ссуда ҳисобварағи орқали нақд пулда ёки қарз олувчининг пластик картасига тушириш орқали амалга ошириш.

4.3.4. Қарз олувчини микроқарз беришни рад этиш, микроқарзни муддатидан олдин ундиришга қаратиш сабаблари тўғрисида ёзма хабардор қилиш.

#### **4.4. Қарз олувчининг мажбуриятлари:**

4.4.1. Микроқарз олингунга қадар қайтариш таъминоти сифатида қуйидагиларни амалдаги қонун талабларига мувофиқ ва Банкни қониқтирадиган шаклда расмийлаштириб, тақдим этиш: \_\_\_\_\_ (125 % дан кам бўлмаган таъминот (суғурта полиси ёки 3 шахс кафиллиги) номи ва баҳоси).

4.4.2. Ушбу Шартноманинг ажralmas қисми бўлган тўловлар жадвали ҳамда Муддатли мажбуриятномага мувофиқ микроқарз ва унга ҳисобланган фоизларни 202\_ йил \_\_\_\_\_ дан бошлаб ҳар ойда камида 1 (бир) марта сўндириб бориш.

4.4.3. Микроқарзни сўндириш ва фоизларни тўлаш ишларини қуйидаги тарзда амалга ошириш:

Банк муассасаси кассасига нақд пул топшириш;

Қарз олувчининг Банқда очилган шахсий депозит ҳисобварағи ва пластик картасидан маблағ ўтказиш;

Қарз олувчининг иш ҳақидан нақдсиз ўтказиш;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа усуулларда.

4.4.4. Микроқарздан фойдаланганлик учун Банкка ҳар ойнинг 2-кунида муддатли қарз учун йиллик \_\_\_\_% ва муддати ўтган қарздорлик бўйича йиллик \_\_\_\_% ҳисобидан фоизлар тўлаш.

4.4.5. Қарз олувчининг ташаббусига кўра кредит шартномасига ўзгартириш киритилганда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг 5 баробари микдорида тўловни амалга ошириш.

4.4.6. Микроқарз муносабатлари жараёнида зарур бўлган ҳар қандай ахборотни Банкнинг талабига кўра унга тақдим этиш. Банкка тақдим этилган ахборот ва хужжатлар тўғрилиги учун Қарз олувчи жавобгар бўлади.

4.4.7. Тураг жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ўзгариши кутилаётгани, шунингдек мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига салбий таъсири кўрсатиши мумкин бўлган бошқа вазиятлар тўғрисида кўпи билан уч кун ичida Банкка хабар бериш.

4.4.8. Ушбу шартнома амал қиласынан муддат мобайнида Қарз олувчи Банкнинг олдиндан розилигисиз ушбу шартнома бўйича Қарз олувчининг мажбуриятига нисбатан устувор талаб қилиш хукуқига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитлари ёки қарзларини жалб қилмаслиги керак.

## **5. Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ушбу шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## **6. Форс-мажор**

6.1. Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари – табиий оғатлар, эпидемиялар, сув тошқинлари, ушбу Шартнома тарафларининг назорати остида бўлмаган бошқа ҳодисаларнинг юзага келиши тарафларни ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қиласи. Агар мажбуриятларини бажаришга форс-мажор ҳолатлари тўсқинлик қилувчи тараф бошқа тарафни бундай ҳолатлар юзага келганлиги тўғрисида 10 (үн) кунлик муддат ичида хабардор қилмаса, бу тараф ушбу ҳолатларни форс-мажор ҳолати сифатида ҳавола қилиш хукуқидан маҳрум бўлади. Енгиб бўлмас куч ҳолатларини исботлаш мажбурияти ўз мажбуриятларини бажармаган тарафга юклатилади.

## **7. Шартноманинг амал қилиш шартлари**

7.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Қарз олувчи микроқарзни ва унинг фоизларини тўлагунча ҳамда томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилгунга қадар амал қиласи.

7.2. Банк микроқарз бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунига қадар Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига кўра бекор қилиниши мумкин.

7.3. Ушбу Шартнома шартларининг ҳар қандай ўзгариши томонларнинг ўзаро келишуви билан амалга оширилади ва қўшимча келишув билан расмийлаштирилади. Ушбу Шартномага ҳар қандай қўшимча келишувлар, Банкнинг ваколатли вакилининг иштирокисиз тузилган бўлса ва ушбу келишувларда Банкнинг муҳри бўлмаса, юридик кучга эга бўлмайди.

7.4. Ушбу Шартнома бўйича Қарз олувчи Банкка шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ мазкур Шартнома шартларини бажариш юзасидан ҳамда қонунчиликка зид келмайдиган бошқа мақсадларда Қарз олувчининг ҳар қандай маълумотларига ишлов бериш ва фойдаланиш хукуқини беради.

7.5. Ушбу шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низолар келишув йўли билан ҳал этилади. Низолар келишув йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, ўз хукуқлари бузилган деб хисоблаётган тараф бошқа тарафга талабнома юборади. Талабнома тақдим этилган тараф, талабнома олинган кундан бошлаб 15 кун ичида унга жавоб беришга мажбурдир. Низолар бўйича келишувга эришилмаган тақдирда низо Банк жойлашган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилади.

7.6. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита бир хил нусхада, ҳар бир томон учун биттадан тузилди.

## **8. Томонларнинг реквизитлари**

